



# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ, МАМЛАКАТ НУФУЗИНИ НАМОЁН ЭТАДИГАН КАТТА КУЧ

## Бошланиши 1-бетда

Ҳар бир туманда ушбу тизимда энг намунавий бўлган 10 тадан маҳаллага бепул спорт формаси ва анжонлари бериб борилади. Қайси маҳаллада спортга қамров ошса, аҳолининг саломатлиги яхшиланса, юрак-қон томир ва диабет касалликлари камайса, йил якуни билан волонтер ҳамда маҳалла раисига 15 миллион сўмгача мукофот берилди. Ушбу маҳаллада оммавий спортга масъул тренерга эса 200 фоизгача ойлик устама тўланади.

Дунёда махсус жиҳоз ва катта инфра-тузилмани талаб қилмайдиган интенсиб машғулотлар, жумладан, кросс-фит омалашаётгани қайд этилди. Шу боис, 1 майгача барча мактаб ва техникумларда бу бўйича тўғараклар ташкил этиш топширилди. Келгуси йилдан кросс-фит “Беш ташаббус” тизимига киритилади.

Ингилишда давлат органлари ва ташкилотларида ҳам спортни омалаштириш бўйича янги тартиб белгиланди. Энди ҳар бир вазир, тармоқ ва банк раҳбари, вилоят ва туман ҳокими ўзи ходимларининг спорт билан шугулланиши учун намуна бўлиши ва шароитларни кенгайтириши шарт.

Шу мақсадда ҳафтанинг бир кунини спорт кунини сифатида белгиланади. Бу кунда вазирлик, идора ва ташкилотларда спорт машғулотлари ўтказилади. Жорий йилдан бошлаб ҳар йили вазирликлар, тармоқлар, банклар ва ҳокимликлар ўр-тасида республика биринчиликлари ўтказилади.

Хусусий сектор меҳнат жамоаларида ҳам оммавий спортни ривожлантириш учун кўшимча имкониятлар

яратилади. Жумладан, тадбиркорлар ўз ишчи-хизматчилари учун спорт зали ва майдонча қуриш ҳамда жиҳозлашга қилган харажатларини фойда солиғи базасидан чегира олади. Жалб қилинган мураббийлар учун даромад солиғи ва ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорда белгиланади.

Ингилишда аҳолини спортга жалб қилиш ва селекция ишларида “маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — федерация” занжири асосида мулкдо ҳақиқат янги ёндашув жорий этилиши маълум қилинди.

Энди олийгоҳ ректори, федерация раҳбари ва ҳоким ўртасида уч томонлама шартнома тузилади. Унга кўра, ҳокимлар ҳудуддаги мактаб, техникум ва бошқа спорт объектида дарсдан ташқари вақтда спорт тўғараклари ташкил этиш учун шарт-шароит яратлади.

Шунингдек, спорт йўналишидаги олийгоҳлар талабаларини дуал таълим билан қамраб олиб, уларни мураббийлик қилиш учун тўғаракларга юбориш муҳимлиги қайд этилди. Бундай талабаларга автоматик тарзда мураббийлик сертификати берилди. Тўғараклардан тушган даромаднинг 50 фоизи мураббий талаба ихтиёрида қолади. Дуал таълим битирувчиларига диплом билан бирга ҳақамлик сертификати ҳам берилди.

Ингилишда жорий йилда янги тизим орқали доимий спорт билан шугулланувчилар сонини 2 карра ошириб, 1 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилди.

Мутасаддиларга сунъий интеллект ёрдамида спортчи ва мураббийлар натижаларини таҳлил қилиш, машғулотлар режасини тузиш имконини берадиган ягона платформа яратиш топширилди.

Спорт соҳасидаги илмий ишлар эса бундан буён фақат долзарб муаммолар ечимига қаратилган бўлиши, натижаси тўғридан тўғри амалиётга жорий қилиниши шартлиги кўрсатиб ўтилди. Агар олимларнинг илмий иши натижа бериб, спортчиларнинг ютуқлари ва халқро му-собақалардаги медаллари кўпайса, бундай олимлар 100 миллион сўмдан мукофотланади.

Олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилдан Президент олимпиадаси доирасида мусобақа ўтказиладиган спорт турлари 2 карра кўпайтирилиб, 21 тага етказилади. Энди мазкур мусобақалар параспорт бўйича ҳам ташкил этилади. Ҳар бир туман ва вилоят ҳокими ўз ҳудудда Ҳоким олимпиадасини ўтказди. Уларнинг гоиллари Президент олимпиадасига йўлланма олади.

Адаптив спорт турлари бўйича кадр тайёрлаш ва малака ошириш тизими ҳам тубдан янгиланади. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетининг Тошкент филиали инклюзив спорт бўйича таянч олийгоҳга айланади.

Президентимиз параспортчиларимиз эришаётган натижаларда уларга туну кун ҳамроҳлик қилаётган фидойи инсонларнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Энди ўқув-йиғинлар, республика ва халқро мусобақаларда параспортчи ҳамроҳлик қилган шахсларнинг транспорт ва яшаш харажатлари қоплаб берилди. Уларга ҳар ой спорт мактаби тренерлари ойлгига тенг миқдорда маош тўланади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда спорт инсон саломатлиги ва юқори натижалар гарови бўлиши билан бирга даромад

келтирадиган соҳага ҳам айланиши зарурлигини таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, футбол бўйича миллий чемпионат ўйинларини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Айрим ўйинлар иш вақтида ўтказиладиган сабабли мухлислар ташрифи қутулган даражада эмаслиги айтилди.

Ўйинлар вақтини дам олиш кунлари ёки иш кунлари кечки соат 19:00 дан кейин белгилаш, стадионлар атрофида кўшимча хизматлар, мусиқий ва кўнгли-очар тадбирлар ташкил этиш, мухлислар учун қулай транспорт қатновини йўлга қўйиш, арзон футбол тўпнакетларини тақлиф этиш орқали стадионларга мухлислар ташрифини кескин ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси берилди.

Ингилишда жойлардаги спорт инфра-тузилмаси ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, ҳудудларда 39 та очик ва ёпиқ спорт иншооти таъмир-талаб аҳволда бўлгани сабабли тўлиқ ишлатилмаётти. Мутасаддиларга бундай объектиларни замонавий спорт мажмуаларига айлантириш учун қулай шартларга ҳусусий шерикликка бериш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Спорт мактабларида ёшлар қизиқади-ган нолимпия спорт турлари бўйича ҳам секциялар ташкил этиш, Ўзбекистон нолимпия спорт турлари конфедерациясини тузиш тақлифи маъқулланди.

Ингилиш давомида давлатимиз раҳ-барни соҳа раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботларини тинглади, тадбиркор ва спортчилар билан мулоқот қилди.

ЎЗА

# ВЯЧЕСЛАВ АРКАДЬЕВИЧ ГОЛИШЕВ



Давлат ва жамоат арбоби Голишев Вячеслав Аркадьевич шу йилнинг 7 апрель куни 75 ёшида вафот этди.

Вячеслав Голишев 1951 йил 4 майда Россия Федерациясининг Омск шаҳрида туғилди. 1972 йилда Тошкент халқ хўжа-иқтисодий институтини (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодий университети) тугатиб, иқтисодчи мутахассислигини олди. 1980 йилда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети аспирантурасини та-момлади ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Меҳнат фаолиятини матбаа соҳасида иқтисодчи сифатида бошлаб, кейинчалик Тошкент халқ хўжалиги ин-ститутини, Ўзбекистон Давлат режа кўмитаси хузуридаги Иқтисодиёт ва нормативлар илмий-тадқиқот институтини ҳамда респу-блика партия ва давлат органларида турли лавозимларда ишлади.

1992-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жаҳон муаммолари институти директори

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. АЮПОВ, С. ТУРДИЕВ

# ИЛГАРИ ОРЗУ БЎЛГАН НИЯТЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА



Шарофат НОРИЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор

## Бошланиши 1-бетда

Сўнг “Холмўминов Зоҳид” фермер хў-жалигини ташкил қилиб, аҳоли ва ташки-лотларга гул ҳамда манзарали дарахт кўчат-лари етказиб беришга киришди. Қисқа вақт ичида вилоятда бу соҳада етақчи таъминот-чилардан бирга айланди. Фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида фермер хў-жалигини кўп тармоқлига айлантирдим. Хориждан зотдор эчкилар олиб келиб, сут этиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйдик. Қуёنчиликни ривожлантирдик. Шунингдек, иссиқхона хўжаликлари, тикувчилик ва нон пишириш цехларини ташкил этдик. Шу орқали кўплаб иш ўринлари ҳам яратдик.

Сўнгги ўн йилдаги ислохотлар сабаб мана шундай катта ишларни қўрқмасдан, бе-малол бажарадиган бўлдик. Яна бир муҳим жиҳат. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар сабаб барча масала маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. Бу халқимизни рози қили-ш йўлидаги энг самарали ислохотлардан бири. Ушбу фикрларни тизимда ишлаб, од-дий одамлар билан мулоқот қилганим учун ишонч билан айтаяман. Айни пайтда Шароф Рашидов тумани Олмачи маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритаяман.

Маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъ-минлаш, айниқса, хотин-қизларни тадбир-корликка жалб қилишга алоҳида эътибор қар-атишмоқда. “Маҳалла еттиклиги” уларнинг хўнара ўрганиб, бизнесини бошлаши учун зарур ёрдамни бермоқда. Илгари фуқаролар иш излаб, тадбиркор бўлиш учун имкон ах-тариб масъуллар эшигида узок навбат кутар-ди. Сўнгги ўн йилда булар тубдан ўзгарди.

Ҳозир маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, ма-салаларни ўрганмоқда. Биргина маҳалламиз мисолида кўрсак, кейинги йилларда юзлаб аёллар тадбиркорлигини йўлга қўйиб, она-си фаровонлигини таъминламоқда.

Халқни рози қилиш йўлидаги ислохот-лар ҳақида сўз кетганида “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”ни ҳам эслаш жоиз. Ушбу дафтарлардаги хонадонларга иссиқ-хона қуриш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича амалий кўмак берамиз. Натижада олис қишлоқ аёлларининг ҳаёт тарзи тубдан ўзгариб борапти. Оддий мисол, мустақил бў-лишимиздан аввал қишлоқ аёлларига пахта чопик қилиб, уни терадиган меҳнатқашлар деб қараларди. Кейин ҳам бу қараш унчалик ўзгармади. Тўғри, мажбурий пахта теримидан кутулдик. Аммо яшаш шароитимиз, бирор иш бошлаш, жамиятда фаол бўлишимиз учун имкониятлар чекланган эди. Аёллар кўпроқ таълим ва тиббиёт соҳаси билан чеklangан қоларди. Тиббиёт ва таълим ходимлари эса мажбурий меҳнатнинг олд сафида эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг сиёсий иро-даси сабаб мажбурий меҳнатга тўла барҳам берилди. Йиллар давомида тўпланиб қолган масалаларга ечимлар тақдим этила бошлан-ди. Синови даврларда аҳолининг ҳимояга муҳтож қисми биринчи ўринда жабр тор-тади. Янги Ўзбекистонда, аввало, мана шу қатламнинг қаддини кўтаришга қаратилган ислохотлар бошланди. Бунга ижтимоий даф-тарлар таърибасини мисол қилиш мумкин.

Натижада жойларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги кенг қулоч эди. Бунинг са-мараси ўлароқ, энг чекка қишлоқларда ҳам аёллар, ёшлар катта марраларини белгилаб, дадил ҳаракат қилишга ўтди. Бир вақтлар қишлоқ аёли уй-рўзгор ишлари билан банд эди. Ҳатто уйда кир ювадиган машинаси



бўлиши ҳайратланарли, алоҳида мақом эди. Бугун қишлоқ аёли боласини боғчага бериб, ўзи ишга, хўнара ўрганишга, ёши катта бўлса ҳам олий таълим олишга, умуман, янги ре-жалар сари йўлга чиққан жамиятнинг фаол аъзосидир.

Мустақиллик бизга беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Илгари фақат орзу бў-либ туюлган ниятлар бугун ҳаётимиз ҳақиқа-тига айланмоқда. Айниқса, тадбиркорлик соҳасида яратилган шарт-шароитлар, давлат томонидан берилаётган қўллаб-қувватлаш интилаётган ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини намоён этиш имконини бермоқда. Янги Ўз-бекистон даврида эса бу имкониятлар янада кенгайиб, инсон қадрини, унинг меҳнати ва та-шаббуси энг устувор қадриятга айланди.



Анча йил аввал Тошкентда яшайдиган икки дугонам меҳмонга келадиган бўлди. Ўшанда кеч куз эди. Йўл узоклиги боис, поездга чиқишибди. У пайтлари поезд Тошкентдан Қаршига қадар бир кун юрарди. Тушдан кейин чиқишган бўлса, тонгда Қаршига кириб келган. Ҳозиргидек телефонлар қаерда дейсиз. Анча вақтгача такси кутиб, зўрға Шаҳрисабз марказига етиб келибди. Менинг эса кўзим йўлда. Қачон келишаркан, дея интизор бўлиб ўтирибман. Ниҳоят, кунботар маҳал кириб келишди. Кайфиятлари яхши эмасди. Йўлда чарчашгандир, дедим ўзимча.



Зулфия АЛЛАЕВА, Шаҳрисабз туманидаги Мираки маҳалласи маслаҳат гуруҳи раҳбари, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

# МУСТАҚИЛЛИК ТҶЙЛАРИ ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЭЛГА ЯРАШАДИ

Меҳмонларнинг кўнглини олишга ин-тилдим. Улар тонгдан бери сарсон бўлган-инини айтиб, Мираки жуда чеккадаги қиш-лоқ эканини билганимизда келмасдик, деди. Бу гаплар юрагимга оғир ботса-да, иложсиз жим эдим. Бир амаллаб уларни хушнуд этдим. Ниҳоят, дастурхон боши-да очик чеҳра билан ўтирган эдик, чироқ ўчиб қолди. Меҳмонлар яна тунд бўлди. Фонусни топиб ёқдим-да, ўртага қўйдим. Ўша кунни фонуснинг хира ёруғида тонг оттирдик. Режага кўра, икки-уч кун меҳ-мон бўлиши керак эди. Аммо эртаси куни азонда кетиш тараддудига тушди. Шунда қишлоқда яшаётганимдан уялганман. Ҳа, бу менинг айбим эмасди, аммо уялдим.

Бир неча йиллар маҳаллада ишладим. Идорамиз эски хонада жойлашган, шароит ўзига яраша эди. Иш юзасидан кунора туман марказига қатнашга тўғри келарди. Гоҳида йўл ёмонлигидан машиналар қатнови тўхтаб қоларди. Айниқса, қиш кунларида қатнов бутунлай оғирлашарди. Шундай пайтлари иложсиз қолардик. Ишсизлик эса асосий муаммомиз бўлган. Худудимиз сўлим жойда бўлгани боис, кўпчилик ёзда дам олишга ке-ларди. Лекин хизмат кўрсатиш деярли нолга тенг эди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар маҳалламизга янги ҳаёт нафасини олиб кир-ди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мираки туризм маҳалласига айлантирилди.

Катта лойиҳалар ишлаб чиқилди. Тез ора-да улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, кўпчилик ҳавас қиладиган манзилга айлан-ди. Йўлларимиз яхшиланди. Шаҳрисабзга поезд қатнови йўлга қўйилди. Бир қанча меҳмонхоналар барпо этилди. Дам олиш масканлари қад ростлади. Энди аввалгидек сарсон бўлиш йўқ. Ҳозир мамлакатимиз-нинг турли жойларидан, чет элдан меҳ-монлар келмоқда. Бу ердаги шароитларни кўриб, қувониммоқда.

Йўлаб кўрсам, қисқа фурсатда мисли қўрилмаган ишлар қилинибди. Натижада янги иш ўринлари очилди. Худуд бутунлай ўзгача қиёфага кирди. Мисол учун, бир пайт-лар маҳалламиз ёшлари иш излаб хорижага кетарди. Бугун шу ернинг ўзида даромад топмоқда. Деярли бекор юрган ёшнинг ўзи йўқ. Одамларнинг яшаш тарзи ўзгариб, ҳаёт-дан розилиги ортмоқда.

Бугун кимдир меҳмонга келмоқчи бўлса, ҳеч иккиланмай, фах билан тақлиф қила-ми. Яқинда ўша даврда қийинчиликлар бил-дан келган дугоналарим яна меҳмон бўлди. Ўзгаришларни кўриб, ҳайратда қолди. Бир қафта юриб, маза қилиб дам олишди. Илгари маҳалла вақтидаги шароитлар, оворагарчилик-ларни эсладик. Бугунги фаровонликка ҳавас ила боқишди.

Ҳозир етмиш ёшдаман. Шу ёшга қадр одамларни рози қилиш учун бунчалик жид-дий эътибор берилганини эслай олмаيمان.

Бу барчамизнинг бахтимиз. Гоҳида олисда-ги танишларим телефон орқали худудимиз ободлиги ҳақида сўраб қолади. Шунда минг бор эшитгандай кўра, бир бор кўрган афзал, дейман. Ростини, бугун нафақат маҳалламизга, балки Шаҳрисабзга келган киши ислохотлар самарасини ўз кўзи билан кўриб, қувонади.

Утган йили Президентимиз Қашқадарёга ташрифи давомида маҳалламизга ҳам келиб, бу ердаги ободлик ва қулайликларни кўздан кечирганди. Ўшанда керакли кўрсатмалар берилиб, янада қулайликлар яратилиши таъ-кидланганди. Натижада Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиёда ва велосипедда юриш учун ўн километрни экойўлак ташкил этилди. Болалар майдончаси, кўнгличар боғ, нурунийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўчама савдо шохобчалари маҳалла кўрмига кўрк қўшди.

Буюк ўзбек йўли



AMIR TEMUR



Амир Темур ҳукмронлиги йиллари Буюк ипак йўлидаги савдо-сотик, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт энг гуллаган даврлар сирасига киради. Ўша пайтда карвон йўли марказида жойлашган Самарқанд, Бухоро каби қадим кентларимиз дунёнинг савдо, тижорат, илм-фан, маданият ва санъат марказлари сифатида оламга машҳур бўлган.

ҚУДРАТЛИ ТАРИХИЙ ТАФАККУРДАН ҚУВВАТ ОЛИБ ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ

Амир Темур ҳайкали қошидаги ўйлар...



Санжар ЭШМУРОДОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Шу кун Президентимиз "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорни имзолади. Назаримда, "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!" бош ғояси асосида нишонланиши белгиланган мустақиллигимизнинг шонли 35 йиллигига таралду аллақачон юртимизнинг барча ҳудуди, шаҳару кишлоқларида бошланган.

Бошқа томондан, аини кунларда Амир Темур бобомиз таваллудининг ҳам 690 йиллик кенг тантана қилинмоқда. Бу йилги апрелнинг ўзига хослиги мана шу ерда яққол намён бўлади. Зеро, биз учун муқаддас неъмат — истиқлолимизнинг 35 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорнинг буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг шонли санаси арафасида қабул қилинганда катта маъно муҳасам. Бошқа томондан, мамлакатимизда бундан 9-10 йил олдин бошланган янги Ўзбекистон ислохотлари уч минг йиллик тарихимиз, хусусан, Амир Темур бобомизнинг давлатчилик тутумига ҳамоҳанг.

Мана шулар ҳақида ўйлаб, ҳар бирдан куч, руҳий қувват олиб, хуш ҳайфиятда ишга йўл олдим. Янаш жойим шаҳар ташқарида. Шуниг учун пойтахт маркази — Амир Темур хиебони ақинида жойлашган ишонамгача анча йўл босаман. Метронинг хиебон номига қўйилган бекатидан чиқиб, Соҳибқирон бобомиз ҳайкали ишора қилиб турган томон юраман. Аммо бутун негадир метродан чиққач, бир дам хиебон тароватини туйгим келди. Ҳайкал пойидаги ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Ут устидаги Амир Темур ҳайкалининг ҳайбатини кўриб, руҳиятим янада кўтарилди.

Ҳайкал пойида тулпорининг туғидан ўт чақнаган, қиличнинг дамидан девлар ҳайққан, кўзидаги қатъият сергаклантирган, марҳамати тўлқилантирган, қиличнинг да сўзи, адолати, ақл-заковати ўткир Соҳибқироннинг буюклигини ҳатто тасаввур этишга ҳам ожиздек ҳис қилдим ўзимни. Бобомизнинг нақадар улуг ишлар қилганига тарих гувоҳ.

Орадан шунча йил вақт ўтган бўлса-да, Шарку Ғарб, Шимолу Жануб — дунёнинг тўрт нуқтасига бориб, тарихдан озгина хабари бор инсондан Амир Темур ҳақида сўранг, албатта, билди. Ҳа, шунинг учун ҳам биз ҳар доим бобомиздан чексиз факх-ифтихор туйямиз. Қерда бўлмайлик кўксимизни кериб, "Темурийлар келди..." дея хитоб қиламиз.

Аммо доим ақлимизда бир савол чарх уради. Ҳўш, биз бутун шундай улуг бобомизга муносибимиз, уларнинг буюк

ишларини қай даражада давом эттира оляптимиз? Бой ҳаётий тажрибага асосланиб айтган фикрлари, ҳикматларига амал қилаямизми ўзи?..

"Бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг!"

Соҳибқирон бунёд этган муҳташам тарихий ёдгорликлардан бири — Оксарой пештоқига битилган ушбу жумлалар шунчаки безак ёки ҳавойи сўзлар эмас, таъамирида катта моҳият, чуқур маъно бор. Ҳақиқатан, Амир Темур даврида қурилган ёки унинг ташаббуси билан бунёд этилган энг машҳур меъморий обидалар сон-саноксиз ва муҳташамдир. Бу иншоотлар фақат меъморий эмас, балки давлат қудрати, сиёсий ғоя ва маданий сиёсат рамзи ҳам бўлган. Самарқанднинг "рўйзамин сайқали", дея эътироф этилишида Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишлари дебоба бўлган.

Аини пайтда ҳам юртимизда ҳудди ана шундай бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Янги Тошкент лойиҳасини айтасизми, Олимия шаҳарчаси ёки ҳудудлардаги "Янги Ўзбекистон" массивларини — ҳар бири тарихий ўзгичимизга хос ана шундай бунёдкорлик намуналаридан.

Узоққа бормайлик, яқиндагина қуриб битказилган Ўзбекистондаги Ислол цивилизацияси маркази ёки қайта бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасини олайлик. Ҳар иккиси ҳам ноёб дурдона. Янги Ўзбекистоннинг тарихий бунёдкорлик салоҳиятига мос иншоотлар.

Дунёнинг нуфузли 10 музейи рўйхатга киритилган Ислол цивилизацияси марказининг бунёд этилиши, шубҳасиз, аввалдан ислом динининг маркази деб улуғланган Бухоро каби шаҳарга эга Ўзбекистоннинг кейинги юз йилликларда ҳам ислом оламининг марказий давлатларидан бири шарофига лойиқ қурилишига замин яратди. Ҳудди шундай, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасининг янги қиёфаси ҳам бутун дунё муслмонлари нигоҳини Ўзбекистонга қаратгани, ушбу мажмуани зийрат қилиши орузсини қалбига муҳрлагани аини ҳақиқат.

Амир Темур қурдирган масжиду мадрасалар муслмон оламидаги энг муҳташам тарихий ёдгорликлар бўлиши билан бир қаторда, Соҳибқироннинг қанчалик иймон-эътиқодли, пир-устозлар, азиз-авлиёларга катта ҳурмат ва эътибор билан қараганини билдиради. Масалан, Ҳожа Аҳмад Ясавий мақбараси ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу мақбаранинг қурилиши ҳақида "Зафарнома" да бундай битилган. "Буюрдиким, ул мазори устига иморати олий солдилар ва бир улуг тоқ (ғумбаз) боладиларким, кўк била сўлашур эрди... Ва фармон бўлдиким, тоқларини рангин қошин билан музайян қилсинлар (чиройли безосунлар). Ва Ҳожа-нинг қабрини оқ тош била ясадилар... Икки йилдан сўнг ул иморат туганди. Ул иморат тугандан сўнг андази факру мискинларга кўб садақалар бердилар...".

Бу иқтибос замирида чуқур маъно-маъму, моҳият бор. Амир Темур нафақат ҳашаматли иморатлар барпо этган, балки халқнинг дунёқарши, тафаккурини ўстириш, одамларда бунёдкорлик, эзгулик ғоялари устун бўлиши учун даъват этган, бундай кишиларни эса доимо қўллаб-қувватлаган. Зеро, "Темур тузуқлари"да "Амр эддиким, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер тағидан ўтказилган сув йўли ёки ариқ) қурса, ё бирон боғ кўкартурса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса (яъни солиқ) олмасунлар... хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсунлар, бўзилган кўприкларни тўзатсунлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар қурсунлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга раборлар бунёд этсунлар... катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсунлар, факру мискинларга лангархона сойсунлар, беморлар учун шифохона қурдурсунлар ва улорда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дар ул-иморат (сарой) ва дар ул-адолат (қозихона) қурсунлар...", дея қайд этилгани ҳам сўзимиз исботидир.

Бутунги орта қайтмас ислохотларнинг замирида ҳам худди мана шу мақсад ва мудо-до муҳасам. Бу тадбиркорларга берилган турли имтиёзлар, яратиб берилган имкониятларда яққол намён бўлмоқда.

"Шоҳ бўлсанг-да, боғ ярат, гадо бўлсанг-да, боғ ярат..."

Ушбу калом муаллифи, улуг бобомиз, аввало, бунга ўзи амал қилиб, дунёга донги кетган боғ-роғлар барпо этган. Унинг чорбоғлари яхон боғдорчилиги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Муаррих Абу Тоҳирхўжа Самарқандий бундай ёзди: "Самарқандда Амир Темур Қўраон солдирган боғларким, Эрам гулистони раиқ қилар даражада, ет-пшта экан: биринчиси — Боги Шимол — Самарқанд шимолда. Девори Қиёмат ичиди. Иккинчиси — Боги Баланд. Учинчиси — Боги Бехиш. Тўртинчиси — Боги Чинор. Бу икки боғ шаҳарнинг кунчиқар томонида. Бешинчиси — Боги Дилқушо бўлиб, Конигининг жануб томонида. Конигил Қўҳқ дарёсининг ёқасида. Самарқанднинг энг гузал ва чиройли еридир. Олтинчиси — Боги Зоюн — Шоёр туманининг шимол томонида воқедр. Еттинчиси — Боги Жахоннамо — Анҳор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бунёд қилингандир".

Бу эътирофда Соҳибқирон барпо этган боғларнинг етти тасинга тилга олинган. Аслида, Самарқанднинг ўзида Амир Темур ўндан ортиқ боғ қурдирган.

Шу йил 2 апрель кун мамлакатимиз етакчиси бошчилигида республика миқёсида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доира-сида кўчат экиш тадбири ўтказилди. Хайр-ли тадбир доирасида Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берилди. Ушбу воқеа бобомизнинг эзгу ишлари бутун ҳам давом эттириляётганидан далолат. Бир неча йил, аникроги, беш йил олдин бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доира-сида ҳар йили 200 миллион туп кўчат эки-лятгани, ўтган даврда 2000 гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парк, 47 та массивда "Янги Ўзбекистон боғлари" барпо этилганини эътиборга олсак, бу ишлар давлат сиёсати даражасида ба-жарилёётганини англаймиз. Бундан ташқари, республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудлари-да 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубидаги 2 миллион гек-тар майдонда яшил қопламали ҳимоя ўр-монлари барпо этилди. Шамол ва қум-чанг буронлари зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида 33 туманда 60 километр-ли "яшил белбоғ" ҳосил қилинди. Умуман,

қисқа муддатда республикада яшиллик дара-жаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди.

Халқимизда яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади, деган нақл бор. Аини пайтда ҳам Шаҳрисабз, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар-да Амир Темур даврида экилган, ёши ярим асрдан ошган чинорлар барқ уриб турганини кўрганда бу ҳикматнинг нақадар тўғри экани амин бўламиз. Бутун ерга қадалётган ниҳоллардан эртага фарзандларимиз ман-фаат кўриши — мевасини ейиши, соясида баҳраманд бўлиши, тоза кислороддан тўй-йиниб симиришини ўйласак, белга қувват, биллакка куч, қалбга ишқат киради.

"Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш билан амалга оширдим"

Соҳибқирон бобомиз тузуқларида "Дав-лат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машарат, қолган бир улушини қи-либ билан амалга оширдим", дея хитоб этган. Бутунги дунё мамлакатлари орасида ижти-моий-сиёсий келишмовчиликлар, иқтисодий буҳронлар авж олаётган бир даврда ушбу ибора моҳияти янада катта аҳамият касб эта-ди. Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгиз-га қадр, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс кўлтигига қадр ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солган Амир Темур ушбу сўзларни айтибги-на қолмай, давлат бошқаруви, ташқи сиёсат, ҳарбий юришларда ушбу арконга қатъий амал ҳам қилган.

Шунингдек, Амир Темур ҳукмронлиги йиллари Буюк ипак йўлидаги савдо-сотик, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт энг гуллаган даврлар сирасига киради. Ўша пайтда карвон йўли марказида жойлашган Самарқанд, Бухоро каби қадим кентларимиз дунёнинг савдо, тижорат, илм-фан, маданият ва санъат марказлари сифатида оламга машҳур бўлган.

Бонси, у ерда йирик бозорлар, сарой ва қалъалар қад ростлагани аҳолининг фаро-вон ҳаёт кечиршига замин яратган бўлса, илм-фан ривожини ҳисобига буюк алломулар этичиб чиқши бу шаҳарларга кўчиб келув-чилар оқимини муттасил оширган.

Шу ўринда бир фактга эътибор қаратиш жоиз. Амир Темур даврида ғарбий Евро-падан темурийлар давлатига кўллаб элчи-лар, савдогарлар ҳамда давлат амалдорлари ташриф бурюган. Меҳмонлар иззат-иқром билан кутиб олинган ҳамда темурийлар дав-латининг савлати ва салоҳияти уларнинг тил-лида достонга айланган.

Амир Темур саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо кундалик-ларида соҳибқирон ҳамда у тузган буюк давлат ҳақидаги фикрларини ёзиб қолдир-ган. Ҳозир ушбу кўлёма Ҳа шаҳардаги муҳим манбалардан. Шунингдек, Италия, Франция ҳамда Германиядан ҳам турли элчилар келган. Турли мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг илк кунларида-да кўшнин мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро кели-шмовчиликларга барҳам бериш сиёсатини илгари сурди. Узоқ йиллар давом этиб кел-ган ўзаро совуқ муносабатларга барҳам бе-ришга киришилди. Аслида, Марказий Осиё халқлари минг йиллик қардошлик алоқалари билан боғланган, таъбир жоиз бўлса, азалдан бир дарадан сув ичган, қадриятлари, урф-одати яқин бўлган халқлардир. Қуда-анда, қариндошлик муносабатлари асрлар давоми-да шакланган.

Кўллаб-қувватлаши билан минтақада дўст-лик-биродарлик риштаси мустаҳкамланди. Ҳудудда тинчлик-тотувлик, яхши қўшничи-лик муносабатлари тикланди. Ўтган йили баҳорда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожи-кистон ўртасида уч мамлакатнинг давлат чегаралари туташган нуқта ҳудуди тўғриси-даги шартнома имзоланди. Чегаралар туташ ҳудудда қад ростлаган "Дўстлик стеласи" мамлакатларимизнинг дўстлик ва минтақа-нинг тинчлик-тотувлик рамзига айланди.

Ўзбекистон, Қозғистон ва Туркменис-тон чегараларининг туташ ҳудуди тўғриси-даги шартнома илгарироқ имзоланган эди. Бутун Марказий Осиёдаги бахтли чегаралар масаласи буткул истиқболли ечим топди, дейиш мумкин. Илгари ўз муаммоларига ўйлашиб қолган давлатлар ягона мушт каби жипслашиб, тараққиёт сари дадил илдамлай бошлади. Шунингдек, қардош туркий мам-лакатлар билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкор-лик навбатига босқичга кўтарилди.

Бутун Ўзбекистон энг ривожланган мам-лакатлар билан юқори даражада ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Давлати-миз раҳбарининг ўзаро тенг ва манфаатли



ҳамкорлик ҳақидаги таклифи дунё давлатла-ри нигоҳини мамлакатимизга қаратди. Бу эса мамлакатимизга катта сармоа оқими келиши ҳамда турли бунёдкорлик ишлари жадалла-шишига замин яратди.

Ўтган йили юртимизда бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" би-ринчи саммити ҳамда тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида кўллаб кели-шув ва шартномадан имзоланди. Ушбу тад-бирларда Европа давлатлари билан ҳамкор-лик янги босқичга кўтарилди.

Бу натижаларга, албатта, давлатимиз раҳбарининг оқилона, узоқни кўзлаб юри-таётган сиёсати орқали эришилмоқда. Пре-зидентимиз ўтган вақтда халқаро сиёсий майдонда Ўзбекистон имижини юқори босқичга кўтарди. Бунинг давлатимиз раҳ-барини халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ сессияларида илгари сурган таклифлари тез-да ҳаётга татбиқ этиляётгани ҳам кўриш мумкин. Қисқаси, янги Ўзбекистонинг барпо этиш ғоясини илгари сурган давлатимиз раҳ-бари ўзбек халқининг ишончи, халқаро таш-килотлар вакиллари, минтақа ва дунё мамла-катлари раҳбарларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг жа-дал сурьатда тараққий этишига замин ҳозир-ляптир.

Мот бўлмаган ҳукмдор

Марказлашган давлат тузгандан сўнг 100 дан ортиқ ҳарбий юришда бирор марта мағлуб бўлмаган Амир Темур шатранж (шах-мат)га шунчаки эрмак ёки вақтини хуш ўтқа-зидиган машғулот эмас, балки ҳозирги тил билан айтганда, тактик назарий билимларни

мустаҳкамлаш воситаси сифатида қарагани манбаларда келтирилган. Масалан, инглиз олим, ёзувиси Хильда Хукхэм "Амир Темур кўп вақтини шатранж ўйини устида ўтказган. У ўз даврининг машҳур шатранж-чилари билан бемалол беллаша олган", дея қайд этган.

Яна бир тарихий манбада эса ҳарб илми ва шатранжда тенгсиз Соҳибқирон бобомиз одатдаги шахматнинг қонун-қондаларини ислоҳ қилиб, мураккаб шахмат турини яратгани ва унга "Шатранжи комил" ёки "Шатранж ал-кабир" деб ном бергани баён этилди.

Яна бир қизиқ маълумот. Амир Темур даврида кучли шатранжчилар Самарқанд-да жамланган ва ўзаро джона сурган. Темур ташкил этган мусобақаларда кўп бор голиб-ликни кўлга киритган табризлик аш-Шат-ранжий (Алоуддин Табризий) шатранж ҳақида китоб ёзиб, унда ўзи ҳамда XIV аср-гача Марказий Осиёда яшаган кўллаб олия (гроссмейстер)лар ҳақида маълумот берган. У ҳатто Соҳибқирон билан ҳам шатранж ўй-наб турган.

Бутун ҳам бундай мусобақаларнинг юр-тимизда ташкил этилиши одатий ҳолга ай-ланмоқда. Масалан, жорий йил Самарқанд шаҳрида 46-жаҳон шахмат олимпиадаси бўлиб ўтади. Ақл ўйинига қизиқиш ўзбек

ёшлари учун бобомеросдир. Бутун ҳам шахмат ҳар бир ўзбек оиласининг севи-ми ўйинларидан. Севимли ўйингина бўлиб қолмай, Нодирбек Абдусатторов, Жаҳоир Синдаров, Нодирбек Ёқуббоев, Шамсид-дин Воҳидов каби ёшларимизни дунёга танитган.

Воҳа томонларда бир қишлоқдошни таниш учун "Исминг нима?", деб эмас, "Қимлардансан?" деган савол берилади. Бобонгизнинг исми ёки фамилиясини айтиб, жавоб берасиз. Сўроққа тутган одамлар бобонгиз қандай одам бўлгани, қандай ишлар қилганини ҳисобга олиб, сизга муомала қи-лади. Сўзингиз, аминингизга ишончи ҳам шунга қараб шаклланади.

Аслида, бутун дунёда шундай. Сабаби қаерга бормайлик, биз — ўзбекларга Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек авлодлари сифатида қараша-ди. Халқаро майдонларда ортиқча гап-сўз қилишдан ийманшилари бор гап. Эртага ав-лодларимиз ҳам мана шундай қадр-қиммат кўриши, давранинг энг тўрида ўтириши биз-нинг бутунги сая-ҳаракатларимиз, фаровон ва тараққий этган янги Ўзбекистонни уларга мерос қилиб қолдиришимизга боғлиқ. Бун-дан эса кўнглим тўқ, назаримда, 38 миллион нуфусли юрдошларимизнинг ҳам бу бора-даги ишончи мустаҳкам. Зеро, кейинги 9-10 йилда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида оламшумул ўзгаришлар куза-тиляпти, тарихий ғалабалар, катта натижа-ларга эришилмоқда. Асосийси, бу йўлдаги сая-ҳаракатлар сусайгани йўқ, ислохотлар ортага қайтмас тус олган.



Жорий йилда экология соҳасига 1 триллион 900 миллиард сўм ажратилиши давлатнинг бу йўналишга стратегик сармоя киритаётганини яққол кўрсатади. Аслида, бу маблағ табиатга эмас, инсоннинг соғлом ҳаёти, барқарор иқтисодиёт ва келажак авлодларнинг муносиб тақдирига киритилган инвестиция. Экологик мувозанатни таъминлаш табиат билан ҳамкорликка асосланган келажак йўлидир.

2026 йил 8 апрель, 68-сон



Мулоҳаза

# ЭКОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ:



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши сув ресурсларини муҳофаза қилишда янги босқични бошлаб беради. 2026 йил учун бу мақсадларга 100 миллион доллар ажратилиши, Қашқадарёдаги Пахтаобод каналини босими қувурга ўтказиш бўйича 134 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиши сувдан фойдаланишда инновацион ёндашувлар жорий этилаётганини кўрсатади. Бу лойиҳалар орқали қўшимча 20 минг гектар ер ўзлаштирилиб, яна 25 минг гектар майдон кафолатли сув билан таъминланади.

Сув сиёсати фақат қишлоқ хўжалиги билан чекланиб қолмай, шаҳар муҳитини яхшилашга ҳам қаратилмоқда. Бугун пойтахт ва йирик шаҳарларда “яшил” ҳудудларни кўпайтириш, салқин микроклимат яратиш сув айланиш тизимларини қайта тиклаш билан бевосита боғлиқ. Шаҳар кўчаларидаги ариқларда сув оқиши нафақат эстетик, балки экологик ва санитар аҳамиятга ҳам эга. Шу мақсадда 160 миллион долларлик дастур доирасида Тошкент шаҳрида юзлаб километр канал, коллектор ва ёпик дренаж тизимлари барпо этилади ва таъмирланади.

Мазкур тажриба бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилиб, вилоят раҳбарлари томонидан қўшимча инвестиция жалб этилиши режалаштирилмоқда. Ушбу жараёнлар шаҳарларни яшил, қулай ва экологик барқарор маконга айлантиришга қаратилган умумийлик ҳаракат шаклланиётганини аниқлатади.

Бу ислохотлар инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқишга ундайди. Сувга эътиборсизлик келажакка эътиборсизликдир. Шу маънода, Ўзбекистондаги сув ислохотлари фақат техник чора-тадбирлар мажмуи эмас, балки экологик тафаккур, масъулият ва барқарор тараққиёт фалсафасининг амалий ифодасидир.

Ҳам “яшил” энергетика, ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги янгиланишлар Ўзбекистоннинг экологик ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда асосий йўналишлардан бирига айланди. Сўнгги йилларда қурилган қуёш, шамол ва гидро электр станциялари нафақат энергия таъминотида мустақилликни ошириш, балки атмосферага чиқадиган зарарли моддаларни сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Шу билан бирга, сувни тежашга қаратилган катта дастурлар, магистрал каналлар ва ёпик дренаж тизимларини барпо этиш, суғориш самарадорлигини ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ва шаҳар муҳити учун барқарор асос яратмоқда.

Бунда фақат техник ва иқтисодий чора-тадбирлар муҳим эмас. Улар инсоннинг табиат билан муносабатини қайта шакллантириш, экологик маданият ва масъулиятни оширишда ҳам катта аҳамиятга эга. Давлатнинг устувор стратегияси орқали ўтказилаётган ислохотлар умумийлик ва минтақавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, Ўзбекистонни Марказий Осиёда экологик барқарорлик ва “яшил” ривожланиш намунасига айлантирмоқда.

Бугунги қадамлар эртанги авлод учун тозалик, саломатлик ва барқарор ҳаёт қоғолини сифатида хизмат қилади. Шу маънода, экология ва энергия соҳасидаги ҳар бир инвестиция, ҳар бир инновацион лойиҳа фақат иқтисодий самара эмас, балки маънавий ва стратегик аҳамиятга эга. Бугун юртимизда қилинаётган ишлар айна шу қадар барқарорлик, мувозанат ва масъулият принциплари асосида қурилмоқда. Зеро табиатни асраш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” ривожланиш интилиш ҳар бир фуқаронинг ҳаётий бурчига айланиши лозим. Ҳақиқатан, инсон ва табиат ўртасидаги ушбу уйғунлик келажакка боғланган энг муҳим қадамдир.

**Сардор ТОЛИБОВЕВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

## ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ

### Бошланиши 1-бетда

Бу эса тараққиёт ва табиат ўртасида янги мувозанат излашни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида жорий йил учун белгиланган бешинчи устувор йўналиш — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш айнан шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқади.

### Иқтисодий барқарор модель

Бу йўналиш, аввало, иқтисодий ўсишни экологик масъулият билан уйғунлаштиришга қаратилган. Йирик корхоналарда филтёрлар, тозалаш жихозлари ва ҳавога чиқарилаётган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станцияларини ўрнатиш учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилиши давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фаол ва тизимли ёндашувини кўрсатади. Бу қарор санат тараққиёти табиат ҳисобидан эмас, балки экологик стандартларга таянган ҳолда амалга оширилиши кераклигини аниқлатади. Чунки табиатни ифлослаб яратишдан иқтисодий ўсиш барқарор бўла олмайди.

Йил сайин экология соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳам муҳим стратегик аҳамият касб этиб бормоқда. Самарқанд шаҳрида Глобал экологик жарамнинг навбатдаги ассамблеяси ва Марказий Осиё халқаро экокўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистоннинг минтақавий экологик ташаббуслар марказига айланган бўлиши кўрсатади. Бу тадбирлар нафақат тажриба алмашиш, балки янги экологик лойиҳаларни амалга ошириш, бизнес ва ҳудудлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ҳам кенг имконият яратди.

Бугун шаҳарларнинг экологик ҳолати қониқарли эмас. Жумладан, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятдаги минглаб кўмир ва газда ишловчи иссиқхоналар ҳавога юз минг тонна зарарли модда чиқараётгани инсон саломатлиги ва шаҳар муҳити учун жиддий таҳдиддир. Филтёрсиз ишлайдиган қозонхоналардан воз кечиб, иссиқхоналарни пойтахт атрофидан кўчириш ва марказлашган қозонхоналарга ўтиш экологик ҳамда шаҳарсозлик нуқтан назаридан ҳам тўғри қарордир. Агрокластерлар ташкил этилиб, иссиқхоналарга алоҳида субсидиялар ажратилиши эса “яшил иқтисодиёт”ни рағбатлантиришни амалий намунасидир.

Транспорт соҳасидаги муаммолар ҳам экологик тафаккурни ўзгариши талаб қилмоқда. Шаҳарлардаги тирбандликлар вақт ва асаб билан бирга тоза ҳавони ҳам “йўқотмоқда”. Экологик стиқерлар тизими жорий этилиши, юқори даражада ифлослантирувчи автомобилларнинг шаҳарларга киришини чеклаш инсон саломатлигини иқтисодий манфаатдан устун қўётган ёндашувдир. Давлат томонидан эски автомобилларни янгилаш ёки уларга филтёр ўрнатиш учун моливий қўллаб-қувватлов тақдим этилиши эса экологик талабларни ижтимоий адолат билан уйғунлаштиради.

Жамоат транспортини ривожлантириш, махсус йўллар ташкил этиш, транспорт ҳаракатини интеллектуал тизимлар орқали бошқариш шаҳарларни қулай, экологик барқарор маконга айлантиришга хизмат қилади. Электромобилларни кўпайтириш бўйича беш йиллик дастур, имтиёзли кредитлар, зарядлаш инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш — буларнинг барчаси келажак шаҳарлари қандай бўлиши ҳақидаги аниқ тасавурни шакллантиради. Энг муҳими, бу чоралар кўрилса, шаҳарларимиз экологик транспорт ҳудудларига айланиши мумкин.

Экологик мувозанат фақат санат ва транспорт билан чекланмайди. Чанг-тўзонларнинг олдини олиш, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадидаги кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари табиатни тиклашга қаратилган узоқ муддатли инвестициядир. Оролнинг қуриб қолган тубида, чўлланишга мойил ҳудудларда миллионлаб дарахт ва бутта кўчатларининг экилиши инсоннинг табиат олдидаги қарзини тўлашга уринишини эслатади.

Бу ислохотлар бардавом бўлиши учун билим ва кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Яшил” техникумлар очиб, экология менежерларини тайёрлаш, Марказий Осиё яшил университети фаолиятини кенгайтириш экологик муаммоларни фақат технология билан эмас, тафаккур билан ҳал этишга қаратилган ёндашувдир. Лабораториялар, илмий тадқиқотлар, шаҳарларда табиий вентилляцияни кучайтириш бўйича изланишлар экология оид қарорларни илмий асосда ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жорий йилда экология соҳасига 1 триллион 900 миллиард сўм ажратилиши давлатнинг бу йўналишга стратегик сармоя киритаётганини яққол кўрсатади. Аслида, бу маблағ табиатга эмас, инсоннинг соғлом ҳаёти, барқарор иқтисодиёт ва келажак авлодларнинг муносиб тақдирига киритилган инвестиция. Экологик мувозанатни таъминлаш табиат билан ҳамкорликка асосланган келажак йўлидир.

Энергетика соҳасидаги ислохотлар экологик мувозанатни таъминлаш йўлидаги

энг муҳим қадамлардан. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда қуввати 6000 мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш, шамол ва гидро электр станциялари ишга туширилгани энергетика тизимида туб бурилиш ясади. Натигада умумий электр энергияси генерациясида “яшил” энергия улуши 30 фоизга етди. Бу рақам фақат техник кўрсаткич эмас, балки



Ўзбекистоннинг қайси йўлдан бораётганини кўрсатади беради.

Анъанавий энергия манбаларига қарамликни камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга тушаётган босимни енгиллаштириш “яшил” энергетика системаси орқали тўғри қилиш зарур. Зеро, бугун энергетика соҳасида қабул қилинаётган қарорлар келгуси авлодларга ҳаётга таъсир этади. Шу маънода, қайта тикланувчи энергия манбаларига йўналтирилаётган сармоя иқтисодий манfaat билан бирга маънавий масъулият ҳам ифода этади.

Яқинда халқаро ҳамкорлар билан бирга умумий қуввати 3500 мегаватт бўлган, қиймати 4 миллиард 200 миллион долларлик янги “яшил” энергетика қувватлари қурилишига старт берилган илмий тадқиқотларнинг мангитий давомидир. Мазкур лойиҳалар электр таъминотини мустаҳкамлаш билан бирга экологик хавфсизликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хусусан, жорий йилнинг ўзида 7 миллиард куб метр табиий газ тежалиши ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олиниши кутилмоқда.

Бу кўрсаткичлар моҳиятини очиб беради: “яшил” энергетика иқтисодий самарадорлик билан экологик барқарорликни ягона нуқтани бirlаштиришмоқда. Табиий газни тежаш

ресурсни иқтисод қилиш эмас, балки келажак учун сақлаб қолинаётган бойлиқдир. Атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг камайиши эса инсон саломатлиги, шаҳарлар ҳавосининг тозаллиги ва умумий ҳаёт сифати учун бевосита аҳамиятга эга.

Аслида, “яшил” энергетикага ўтиш инсоннинг табиат билан муносабатидаги



бурилишни аниқлатади. Инсон табиатини чекланмас манба сифатида эмас, балки ҳимоя қилиниши лозим бўлган умумий уй сифатида қабул қила бошлармоқда. Ўзбекистонда бу йўналишдаги ишлар экологик мувозанатни таъминлаш иқтисодий тараққиётга зид эмас, аксинча, унинг энг мустаҳкам пойдевори бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шу маънода, “яшил” энергетика соҳасида эришилаётган натижалар Мурожаатномасида белгиланган бешинчи устувор йўналишнинг амалий ифодаси бўлиб, янги Ўзбекистон тараққиётининг экологик, иқтисодий барқарор моделини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

### Томчисида ҳаёт мужжасам

Бугун сув танқислиги инсоният олдидан турган энг жиддий ва ҳаётий муаммолардан бирига айланмоқда. Иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва санат эҳтиёжларининг ортиши сув ресурсларига босимни кескин кучайтирди. Сув энди фақат табиий неъмат эмас, балки миллий хавфсизлик, озиқ-овқат барқарорлиги ва ижтимоий тараққиётни белгилаб берувчи стратегик ресурс сифатида намоён бўлмоқда. Шу бонс, кейинги йилларда сувдан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига қўтарилди.

**Бир этак болалари билан мактаб, боғча сари ошиқайтган Лобархонни маҳалла фаоллари йўқлаб келди. “Сен билан бир ишинг маслаҳатига келаямиз”...**  
**Қутилмаган ташриф унинг ҳаёт тарзи, иш амалларини буткул ўзгартириб юборганига ҳам, мана, чорак аср бўлди. Мутахассислиги оддий тарбиячи бўлган аёл шу тариха жамоа хўжалигида пахтачилик бригадирга айланди.**

— Шунча ерни эплаш учун бугунгидек шароит ва имкониятлар йўқ эди. — дейди “Фурқат” фермер хўжалиги раҳбари Лобархон Норматова. — Техника топилса, ишчи кучи етишмасди, минерал ўғит, сув муаммоси, табиат инжикликларини асло сўраманг. Баъзан экинларга сувни бир хил тарай деб пешонамизга бофарни боғлаб, тонг отгунча даланнинг у бошдан бу бошига юриб чиқардик. Аммо йил якунида яна бўйнимизга қадар қарзга ботганимиз. Чунки ҳосил жуда паст нархларда қабул қилинар, етиштириш харажатлари белгиланган меъёрлардан ортиқ эди. Юқоридан режани бажаришга ундашарди, гапга кўнмаганларга чора қилинарди. Энди ҳаммаси ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан пахта-галлачилик кластерлари ташкил этилган, фермерлар елкасига офтоб тегибди. Бугунги шароит ва

## Кўнгли далалари каби бепоён



Музаффар одамлар



имкониятларни бундан саккиз-тўққиз йилги ҳолат билан қиёслаб бўлмайди. Сархил уруғ, ёнғил, минерал ўғит даланнинг бошига олиб бориб берилляпти. Хомашё харид нархлари ошди, ўзаро рақобат муҳити шаклланди. Етиштирилган ҳосилни қачон, қимга, қандай нархда сотиш фермер ихтиёрида. Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни олдидан соҳа вакиллари билан учрашувда

фермер, пахта ва галлачилик кластерларига янада қўллаб-қувватлади. Далаларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишга имтиёзли кредит ажратиш, ўз маблағидан пахта етиштирган фермерларга ҳосилнинг 10 фоизгача қисмини субсидиялаш тизими жорий этилди. Ўтган мавсумда етиштирилган пахта ҳосили учун 102 миллион сўм субсидия тўлаб берилди. Бу жуда катта имконият, рағбат.

Риштон туманида 56 гектар майдонда пахта, галла етиштириб келаятган фермер хўжалиги фаолияти кўпга ибратли. Ўтган деҳқончилик йили ҳар қачонгидан-да баракали бўлди. Ҳар гектар пахта майдонидан 56 центнердан ҳосил териб олинди. Галла ҳосилдорлиги 90 центнер, соф даромад саломти 734,5 миллион сўмдан ошди. Бу соҳа ривожини йўлда яратилган қулайлик, имтиёзлар маъноси. Натигада қўшимча тармоқлар фаолиятини кенгайтириш, янги техника-технологиялар сотиб олиш имкониятлари ошди. Жаҳонбод қишлоғидаги ўттиздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

— Деҳқончилик катта илм, изланиш талаб этадиган соҳа, — дея сўхбатни давом эттиради фермер кенг далаларга боқиб. — Бу тамойил кейинги йилларда янада амал олди. Аграр соҳада қўшилган қиймат занжирини



яратиш, етиштириш харажатларини камайтириш орқали ҳосилдорлик миқдор ва сифатини ошириш муҳим. 2020 йилдан бошлаб Пахта селекцияси, уруқчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда гўзанинг “Наманган-77” навини тажрибадан ўтказиб, гектаридан 45 центнердан юқори ҳосил олишга эришдик. Бу навор бўғчаларидан касаллик, сувсизлик ва шўрча чдамлилиги, водий иқлим шароитида 5-7 кун эрта пишиши, тола сифат кўрсаткичлари

юқорилиги билан ажралиб туради. Интенсив бoғ, чорвачилик ташкил қилдик. Жорий мавсумда барча пахта экин майдонларида Пахта селекцияси, уруқчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассислари кўмағида сувни тежаш, жорий этилган янги техника ва технологиялардан мақсадли фойдаланиш борасида тизимли ишлаяпмиз. Бир қарч ерни бекор қўймаймиз. Дала четларига қовоқ, пиёз, сабзи, картошка, помидор каби сабзавот экинлари қадашга одатланганмиз. Ёз мавсумида элликдан ортиқ ишчи учун овқат қайнайди

бу шийпонда. Баъзан ишдан толиқиб уйга қайтганда турмуш ўртоғим, икки қанотим бўлган ўғилларим тергагандек бўлади. Уйда қолиб, ҳордиқ чиқаришимни хоҳлашадиди. Узим эса далага бир кун бормасам, хастадек ҳолсизланиб қоламан. Уйдагилар ҳам охири кўникиб қолишди. Қизлар, набираларим келишса ҳам тўғри дала шийпонига боришадиди...

Фермер ҳудудларни ободонлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларида ҳам фаол. Жаҳонбод қишлоғига тоза ичимлик сув тармоқлари тортиш, қишлоқ оилавий шифохонасини таъмирлашга кўмаклашди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 20 тоннадан ортиқ бугўди берди. Маҳаллада мактабгача таълим ташкилоти йўқ эди. Аҳоли талабларини инобатга олиб, 100 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйди.

— Мукофот, рағбат олишни кўзлаб меҳнат қилмаганман, — дейди Лобархон опа бир оз хижолатомуз оҳангда. — Ҳаммаси қутилмаганда юз берди. Телефон қилиб, 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз қатори “Шухрат” медали билан тақдирланганимни айтганда, қувончдан кўзимга ёш келди, меҳнатларим қадр топгани, элда ёъзоланганимдан севиндим.

Заҳматларга мардона елка тутган фермер ҳаёт йўлида ҳалоллик, поклик туйғуларини мужжасам. Ииллар давомида кўз нурини кўчаларга қадаган, меҳрини берган оддий, самимий аёлнинг орзу-мақсадлари далалари каби бепоён, нури.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Олимларнинг фикрича, келажакда технологиялар такомиллашиб, харажатлар кискарса, сунъий ёмғир усулидан фойдаланиш кўлами янада кенгайиши мумкин. Чунки сув ресурсларини сақлаш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш масаласи бугун дунё миқёсида энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.



# ИННОВАЦИЯ ВА ЯНГИ ҒОЯЛАР

## Бунда навқирон авлод вакиллари нинг ўрни бўлакча

Дунёда интеллектуал салоҳият маҳсули бўлган ғоя ва инновациялар бежиз қадрланмайди. Чунки ҳар қандай соҳага татбиқ этиладиган илм-фан янгиликларининг тарққиб кетиши ҳақиқат. Инновациялар ва янги ғоялар эса кўп ҳолларда навқирон авлод вакиллари нинг қизиқиши ва илганиши билан самарасида юзага келади. Улар томонидан ишлаб чиқариладиган, анъанавий қарашлардан холи, ўзига хос янги ғоялар илм-фандаги кўп қўллаб муаммоларга муносиб ечим бўлмоқда. Ҳозир улардан айримлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Илм-фан



## ИНСОН АЪЗОЛАРИНИ 3Д БИОПРИНТЕРДА ЧОП ЭТИШ МУМКИН

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари қимёси институти тадқиқотчиси Олимжон Бойматовнинг кашфиёти соҳада кескин бурилиш ясади. Ёш олим 3Д биопринтерлар учун зарур бўлган биосиёх асосини ўзимизнинг маҳаллий ўсимликлардан олиш усулини аниқлади. Германияда ўтказилган илмий стажировка натижа-сида яратилган ишлаб чиқариш мумкин бўлган мулк агентлиги томонидан ижобий ҳулоса берилган бўлиб, ҳозир у патент-лаш жараёнидан ўтмоқда.



— Инсон организмга тўлиқ мос тушадиган, зарарсиз, шу билан бирга, нарх жиҳатдан ҳам анча арзон, маҳаллий шартларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган биосиёх яратиш бўйича узоқ йиллардан бери илганиш олиб бораёт-

ган биз кутанчалик самарали бўлмаган эди. 2024 йилда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан эълон қилинган стажировка ташловида ишти-рок этдим ва Германиянинг нуфузли Лейбниц университетиде замонавий биопринтер технологиялари ҳамда гидро-геллар олиш бўйича янги методларни ўргандим. Натижада инсон аъзоларини 3Д биопринтерда чоп этиш имконини берувчи биосиёх бўйича ижобий ҳулоса берилди. Янги гидрогел таркиби маҳаллий ўсимликлар полисахаридларидан иборат бўлиб, унда инсон ҳужай-ралари — IMSC яшай олади ва ривож-ланади. Бу эса инсон танагагина беғона бўлмаган, тез мослашувчан ва хавфсиз сунъий аъзолар ҳамда тўқималарни чоп этишда айна мудада.

Бутун дунёда миллионлаб инсон-лар органларни қўчириб ўтказиш ама-лиёти учун навбатда туради. Бунинг асосий сабаби — ҳар доим ҳам зарур орган бўйича донор топилавермайди. Муаммага ечим топиш мақсадида дунё олимлари томонидан 3Д биопринтер-лар ривожлантириш бўйича доимий илганишлар қилинади. Ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотлар қон то-мирлари, тери ва тоғайлар, қолаверса, юрак, жигар ва буйракни шу усулда чоп этиш мумкинлигини тасдиқлаган. Шу сабабли ҳақонда биосиёхга талаб жуда юқори бўлиб, унинг нархи ҳам анча қиммат. Мазкур кашфиёт келажакда до-норлик аъзоларига эҳтиёжни қоплаш-га ва кўп қабатли беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

## КЎП ВАЛЕНТЛИ НОЁБ ВАКЦИНА



Ҳозирги кунда вирусли В гепатити мамлакатимизда долзарб муаммо сифа-тида қолмоқда. Чунки бу касалликнинг давоси мавжуд эмас. Ўсимлик мод-далари қимёси институти тадқиқот-чи Ойбек Ашировнинг илганиши нати-жасида кўп валентли ваққини яратиш мумкин бўлади.

Айни пайтдаги В гепатитга қарши вақ-циналари бир валентли бўлиб, яратила-ётган янги мРНК ваққинаси кўп валент-лиги билан фарқланади. Ёш олим тадқиқот олиб бораёт-ган институтининг молекуляр генетика лабораториясида ген муҳандислиги, биотехнология ва биологик фаол мо-ддаларни зарарланган ҳужайраларга мақсадли етказиш каби энг замонавий йўналишларда илмий илганишлар қилинмоқда. Бундан ташқари, лабо-раторияда биологик фаол моддалар-нинг саратон ҳужайраларига қарши фаоллиги ўрганилган. Тадқиқотчи-нинг навбатдаги илмий илганишлари биологик фаол моддаларни зарарлан-ган органларга мақсадли (таргетли)

етказиш берилмоқда. Бу ёнда-шув соғлом тўқималарга зарар етказ-масдан саратон касалликларини самар-али даволаш имконини беради. Тадқиқот муаллифи европалик ҳамкасблари билан Европа Иттифоқи-нинг HORIZON дастури доирасида эълон қилинган, молекуляр тадқиқот-чи 1,42 миллион евро бўлган 4 йиллик халқаро лойиҳада иштирок этиб, ғолиб бўлган. Лойиҳа доирасида 10 дан ортиқ етказиш каби энг замонавий йўналишларда илмий илганишлар қилинмоқда. Бундан ташқари, лабо-раторияда биологик фаол моддаларни ли-посомалар орқали мақсадли етказиш, фаоллиги ўрганилган. Тадқиқотчи-нинг навбатдаги илмий илганишлари биологик фаол моддаларни зарарлан-ган органларга мақсадли (таргетли)

## ДРОНЛАР ОРҚАЛИ СЕПИЛАДИ

— 2023 йилда Ҳиндистонда Indian Technical and Economic Cooperation (ITEC) дастури доирасида малака ошириш, — дейди Умумий ва ноор-ганик кимё институти докторанти, катта илмий ходим Абдорбек Рўзметов. — Ушбу дастур доирасида илмий ўзгариш жараёнилар ва барқарор та-раққийни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича юзага келадиган му-аммо ва ечимларни ўргандим. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Ҳозир Ҳин-дистонда 2050 йилги иқлим прогно-злари билан қайси ўсимликлар сақла-ниш қилиши ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мум-кинлигини аниқлаш устида жуда катта тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбеки-стонга қайтган, илмий раҳбарим билан муҳоамадан кейин докторлик ишмини арзон, хавфсиз, топилиши осон бўлган янги авлод стимуляторларини синтез-лашга йўналтирдик.

балки ривожланган давлат олимлари билан бирга хорижнинг етказчи илмий марказларида бажарди. 2024 йилнинг август-декабрь ойларида АКШнинг Арканзас университетиде, 2024 йил май-июль ойларида Финляндиянинг Турку университетиде металл ком-плекслар қимёси, уларнинг тузилиши ва физик-кимёвий ҳамда биологик хос-саларини ўрганиш бўйича илмий ил-ганишлар олиб борди.

Тадқиқотлар натижасида бугунги кунда фундаментал лойиҳа доираси-да 10 га яқин истиқболли бирикмани синтезлашга эришди. Улар орасидан AA-01 препаратининг стимуляторлик ва синтез усулига илмий патентини олди. Ҳозир ушбу препарат клиник синовдан ўтказилиб, токсиклик да-ражалари тўлиқ ўрганилган. Agrolife Chemical компанияси томонидан лицензион шартнома асосида пре-паратини ишлаб чиқиш, қишлоқ хў-жалиги секторига катта миқёсда ет-казиб бериш бошланган. У импорт



прототипларидан 2 қарра арзон нарх-га тақлиф қилинмоқда. AA-01 препаратини мош, пахта, буг-дой ва кўккатларда юқори ҳосилдорлик-ни таъминлайди. Препарат ўсимликка баргига пурак орқали етказилади, бу эса аниқ миқдорни ортиқча исроф-гарчиликсиз ўсимлик организмига

## ТУПРОҚ ШЎРЛЕНИШИГА ҚАРШИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Генетика ва ўсимликлар экс-периментал биологияси институти тадқиқотчиси, ёш олим Илҳом Айте-нов томонидан қишлоқ хўжалигидаги долзарб муаммолардан бири — тупроқ шўрланишига қарши инновацион ми-кробиологик ечимлар ишлаб чиқари-лади. Тадқиқотчининг илмий ишлари шўрға чидамли бактерияларни ажрати-б олиш, ўсимликлар билан ўзаро таъ-сир механизмларини ўрганиш ҳамда улар асосида самарали биопрепаратлар я-ратишга қаратилган.

Бугунги кунда илмий ўзгариши ва сув ресурслари камайиши натижа-сида шўрланиш жараёнилари кучаймоқ-да, — дейди олим. — Бу эса қишлоқ хў-жалиги ҳосилдорлигига салбий таъ-сир кўрсатаяпти. Шу сабабли биз шўр шартларида ҳам самарали яшайдиган фойдали микроорганизмларни ўрган-моқчимиз.

Тадқиқотчи томонидан илгари су-рилган инновацион ёндашувлардан яна бири бактериялар ажратиш ва улар ишлаб чиқарилган экзополисахаридлар (EPS) асосида тупроқда “биологик тўсиқ” ҳосил қилиш технологиясидир. Ушбу технология орқали тупроқнинг юқори қатламларида қатор амалий натижа-ларга эришилди, намликни ушлаб туриш қобили-яти ошди ҳамда ўсимлик илдизлари атрофида қулай микроэкологик муҳит шаклланди. Натижада ўсимликлар-нинг стресс омилларга нисбатан чидам-лилиги ортиб, ўсиши ва ривожланиши яқшиланди.

Мазкур тадқиқотлар натижасида келажакда қатор амалий натижа-ларга эришилди, жумладан, шўрланган тупроқ учун махсус микробиологик биопрепаратлар яратиш, ўсимлик-ларни фитопатоген касалликлардан химоя қилишнинг экологик хавфсиз биологик усулларини ишлаб чиқиш қўллаб тутилмоқда. Шунингдек, қи-шлоқ хўжалиги эканларининг стресс шартларида ҳосилдорлигини барқар-ор ошириш, кимёвий вазиталардан фойдаланишни камайтириш орқали агроэкологик барқарорлигини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизли-гини мустаҳкамлаш ва экспорт бўл маҳ-сулотлар ҳамчини ошириш назарда тутилган.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news



Нуқтаи назар

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ЁМҒИР ТЕХНОЛОГИЯСИ

### минтақада тажриба намунасига айланиши мумкин

Сўнгги йилларда кузатилаётган қурғоқчилик, сув манбалари камайиб бораётгани табиат мувозанатига таъсир қилиш билан бирга қишлоқ хўжалиги барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Ёгингарчиликнинг камайиши айрим ҳудудларда ҳосилдорликнинг пасайиши, баъзан эса экинларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Сув омборлари сатҳи пасайиб бораётгани ёз ойларида экинларни сўғориш имкониятини чеклаб қўяпти. Бу ҳолат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш долзарблигини оширмоқда.



Жорий йил баҳори деҳқонларда умид уйғотди. Кеч қузда уруғ қадаган ёки баҳорги экиш ишларини бошлаган меҳнатқиллар серёгин мавсумдан катта натижа кутмоқда. Чунки тупроқ нам-лиги етарли бўлса, экинлар барқарор ўсади, ниҳоллар яхши ривожланади ва ҳосилдорлик орттичи табиий. Шу маънода, баҳорнинг серёгин бошлани-ши қишлоқ хўжалиги учун муҳимдир. Аммо табиат ўзгарувчан: айрим йил-ларда баҳор бошида кузатилган ёгин-гарчилик муайян даражада таъсир кўрсатиш имконини берувчи техноло-гияларни ишлаб чиқди. Ана шундай усуллардан бири сунъий ёмғир ёғди-риш технологиясидир. Мутахассислар бу жараёни “булутларни уруғланти-риш”, деб атайд.

Кадимдан халқимиз орасида ёмғир қақририш билан боғлиқ турли удум ва маросимлар бўлган. Замонавий илм-фан эса табиатдаги ёгингарчилик жараёнига муайян даражада таъсир кўрсатиш имконини берувчи техноло-гияларни ишлаб чиқди. Ана шундай усуллардан бири сунъий ёмғир ёғди-риш технологиясидир. Мутахассислар бу жараёни “булутларни уруғланти-риш”, деб атайд.

Бироқ мутахассислар бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлайди: сунъий ёмғирни очик осмон шартларида мут-лоқ ҳосил қилиб бўлмайди. Техно-логия фақат атмосферада булутлар ва етарли намлик мавжуд бўлган ҳолатда-гина самара беради. Яъни табиий жара-ёнга муайян даражада туртки берилади, холос.

Булутиларни уруғлантириш жараё-нида одатда кумуш йодиди, куруқ муз ёки майда туз кристалларидан фойда-ланилади. Бунда самолёт, ракета қурил-маси ёки ерда жойлаштирилган махсус генераторлардан фойдаланилади. Маз-кур моддалар атмосферада майда сув зарраларига таъсир кўрсатиб, улар-нинг йирик томчиларга айланишига хизмат қилади. Натижада йириклашган томчилар ёмғир ёки қор кўринишида ерга тушади.

Бугун мазкур технология дунёда кенг қўлланилмоқда. Турли маълумотлар-га кўра, сунъий ёмғир ёғдириш усули-дан 50 дан ортиқ давлат фойдаланади. Жумладан, Хитой бу йўналишда йирик дастурларни амалга ошираётган мамла-катлардан. Шунингдек, АКШ, Россия, Бирлашган Араб Амир-ликлари, Ҳиндистон ва Австралияде ҳам ушбу усул қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари, сув захи-расини ошириш ёки айрим ҳудудларда намликни кўпайтириш мақсадида қўлланилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сунъий ёмғир табиатдаги жараё-нларни ўзгартириш мақсадида қўлла-ниш мумкин. Бироқ сув танқислиги кучли сезилаётган ҳудудларда мазкур тех-нологияга қизиқиш тобора ортиб бо-раёт.

Олимларнинг фикрича, келажакда техноло-гиялар такомиллашиб, харажатлар кискарса, сунъий ёмғир усулидан фойдаланиш кўлами янада кенгайиши мумкин. Чунки сув ресурсларини сақлаш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш маса-ласи бугун дунё миқёсида энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

## Сув танқислиги шартларида илмий ечим

Бугун илмий ўзгариши ва сув ре-сурсларининг камайиб бораётгани кўп қабатли муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим табиатдаги жараё-нларни ўзгартириш мақсадида қўлла-ниш мумкин. Бироқ сув танқислиги кучли сезилаётган ҳудудларда мазкур тех-нологияга қизиқиш тобора ортиб бо-раёт.

## Сув танқислиги шартларида илмий ечим

Бугун илмий ўзгариши ва сув ре-сурсларининг камайиб бораётгани кўп қабатли муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим табиатдаги жараё-нларни ўзгартириш мақсадида қўлла-ниш мумкин. Бироқ сув танқислиги кучли сезилаётган ҳудудларда мазкур тех-нологияга қизиқиш тобора ортиб бо-раёт.

## Имконият ва чекловлар

Сунъий ёмғир технологияси қатор давлатларда қўлланилган бўлса-да, унинг амалий таъбиқи муайян техник имкониятлар ва катта маблағни талаб қилади. Мутахассислар қайд этиши-ча, булутиларни уруғлантириш жара-ёни оддий ва арзон усуллар қаторига қирамайди. Самолётлар, махсус ракета

Сардор ШУҲРАТ ўғли, журналист

Исмни айтмай қўяқолай. Дўстим унвонлар олмаган, кўксига қатор ордену медаллар ҳам тақилмаган. Қисқача айтганда, ҳеч қачон ҳеч қандай мукофотдан умидвор бўлмаган ўз соҳасининг устаси, фидойиси. Ёши ярим асрлик довондан ошганига 5 йил бўлди, лекин ҳамон фаол. Нима иш қилади, дейсизми? У — инвестор.



Гаплашадиган гаплар

юргунгани яхши эсламан. Қайсидир узоқ қариндошимиз ўртага тушиб, кредит ҳам унди, сиз қафил бўлдингиз. Лекин уни қайтариш осон кечмади. Отам кўшимча иш топди, уйда тикувчилик қиладиган онам ҳам ёрдам бўлар деб нон цехига тунги сменага ишга кирди. Оила бисотидаги тилла буюмлар сотилди. Ушанда нималар бўлаётганини бир оз тушундим. Уқшимнинг нисбатан тўлови камроқ ўзимизнинг бирор институтга кўчирман, тўлов-шартнома суммасининг тенг яримча бўларкан деган ўйга бордим. Отамга айтганим, жаҳли чиқиб кетди. Шу ерда ўқийсан, деди қатъий. Шукр, бугун қийинчиликлар ортада қолди. Олган билим ва кўникмаларим орқали яхши иш топдим.

Сарварнинг ўзи айтмади, аммо хабарим бор: университет 4-5 талаба қатори уни ҳам бир семестр Италияда ўқишга жалб қилди. Битирув арафасида бир неча иш берувчи нуфузли компания ва ташкилот вақиларини суҳбат ўтказиб, Сарварга муносиб иш,

технологиялар эса тез эскиради, аммо инсон заковати ва малакаси чексиз имкониятларни яратди. Юқори малакали мутахассисларсиз иқтисодиёт ҳам, саноат ҳам, илм ҳам юксалмайди. Ривожланган ҳар бир мамлакат ўз тараққиётини, аввало, таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошлаган.

Сифатли таълим олаётган ёш авлод келажақда янги фан соҳаларини очадиган олимлар, иқтисодиётнинг бошқарувчи менежерлар, инновацион стартаплар асосчилари, фаровон яшаш тизимларини мустаҳкамлайдиган мутахассислардир. Шунинг учун таълимга инвестиция фақат давлат мажбурияти эмас. Оилаларнинг фарзандлар таълимгага эътибори, жамиятнинг интеллектуал муҳитини қўллаб-қувватлаши, тадбиркорларнинг

мисли кўрилмаган қулайликлар яратиб, ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Интернет ресурслари, онлайн платформалар, интерактив воситалар, виртуал қўлланмалар, муайян мазунни жонлантириш технологиялари ўқитувчино ўқувчилар тафаккурининг янги кўриқларини очмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар замонавий тенденцияларга мос ҳолда ривожланиб бормоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, юқори малакали, ташаббускор кадрларсиз мамлакатнинг эртасини, келажагини тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон таълим маконида кўрсатилади, инсон капиталига тизимли сармоа йўналтирган мамлакатлар барқарор иқтисодий ўсиш ва турмуш даражасини оширишга эришади.

Аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистон учун ёш авлоднинг салоҳиятини юксалтириш, замонавий ва сифатли таълим орқали бутунги давр талабларига мос билим ва кўникам бериш устувор мақсаддир. Олий таълим тизимини модернизация қилиш, халқаро таълим маконига интеграция этиш ва ҳудудий ривожланишнинг муҳим драйверига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар замирида ҳам ушбу мақсад муҳимдир.

Ислохотлар таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, педагог кадрларнинг меҳнат шароити ва ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилашга қаратилган. Бу чора-тадбирлар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчи ҳамда тарбиячилар нуфузини юксалтириш, ёш авлоднинг замонавий билим ва кўникмаларини эгаллашга замин яратмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларининг инновацион ривожланиши, замонавий ўқув дастурлари ва педагогик ёндашувларни жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар шакллантирилмоқда.

Соҳадаги кенг қамровли ислохотлар келажақда Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро стандартларга мос равишда ривожланишини, сифат ва рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Бу жараён мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш ва инсон капитали салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Индин

Дўстим ҳузурда ҳаяллаб қолдим. Қарасам, гап билан бўлиб, ишига ҳалал беряпман. Кетишга изн сўрадим.

— Шошмай тур, сафардан сенга ўхшаган 3-4 ишли ва бекорчи қиянларимга совға олиб келгандим, шуни ола кет, — дея дўстим ёнидан кичкина бошқарув пултини олиб, иссиқхона ҳовлисида турган машинага қарата тутмасини босди. Келганимда аҳамият бермаман, оппоқ яп-янги замонавий электромобиль бир чеккада кўр тўкиб турган экан.

— Ие, муборак бўлсин, ошина, буюрсин, зўр-ку!

— Ҳа, саёхатдан келишимизга болалар ҳозирлаб кўйишди, — дея мен учун олиб келган совғасини узатди дўстим.

Қарасам, чиройли қадоқланган қўлсоат тутиб турибди. — Вақтида сен ва сендек ақинларим бизга мадад бўлгансиз, — деди оиланинг бош инвесторини. — Бу барча қийинчиликлар вақти ўтиб кетгани, орта қолганин эслатиб турсин. Эртанги бугундан, индинимиз эса эртангидан яшаётганимизга ишора бериб, яхши вақтларда яшаётганимизни акс эттириб турсин.

Энди мен қўйилиб келаётган қувонч ёшларимни дўстимдан яширишга ҳаракат қила бошладим.

— Кел, яна бир бағримга босай...

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЭРТАМИЗ БУГУНДАН, ИНДИНИМИЗ ЭРТАМИЗДАН ЁРУҒ БЎЛАДИ

Келажак эгалари таянчи

Аввалдан айтиб қўяй: бу суҳбат бир уринишда ёзилмади. Суҳбатдошим билан ўн йиллар давомида тўй-маърака, гап-гаштак, турли давра ва ўзаро борди-келдилар давомида бўлиб ўтган мулоқотимиз, шахсий қузатувларим ҳамда орқаваротдан эшитган гапларим асосида шаклланган гурунги бу. Яна ҳам аниқроғи, унинг ҳаёти, кўнглидан ўтганлари менинг кўз олдимда рўй берган.

Дўстим билан ўтган асрнинг сўнгги чорагади кўчаларни бирга қангитганимиз. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ота-онамизга ҳарна ёрдам бўлар деб бош суқмаган кўчамиз қолмаган: қосибчилик цехидан иш олиб, туни билан пойабзални қолипга солиб чиққанмиз. Сахарлаб “Отчопар” бозорининг улгуржи товар харид қилиб, тушгача чакана савдо билан шуғулланганмиз. Ижарага автомобил олиб, бир муддат киракашлик қилган кунларимиз ҳам бўлган.

Исмни айтмай қўяқолай. Дўстим унвонлар олмаган, кўксига қатор ордену медаллар ҳам тақилмаган. Қисқача айтганда, ҳеч қачон ҳеч қандай мукофотдан умидвор бўлмаган ўз соҳасининг устаси, фидойиси. Ёши ярим асрлик довондан ошганига 5 йил бўлди, лекин ҳамон фаол. Нима иш қилади, дейсизми? У — инвестор.

Хорж саёхатидан қайтганини эшитиб, дам олиш кунини дўстимнинг ишончасига йўл олдим. Шу пайтгача бошқа давлатларга бориш у ёқда турсин, Самарқандни ҳам кўрмаган эди. Ўзига бирор қимматбаҳо кийим, ҳашаматни раво кўрмаган. Ҳозир шаҳар чеккасидаги кўчат етиштирадиган иссиқхонада ишлайди. Топганини илмга, билимга, таълимга инвестиция сифатида йўналтириш билан банд. Аниқроғи, тўрт фарзандига замонавий илм ва касб ўргатиш учун сармоа киритади.

— Боринсам-омонимсан, жигарим, гаплашадиган гаплар кўпайиб кетди-ку, зияратлар қабул бўлсин, — дея очик чеҳра билан қулиб турган дўстимга кучоқ очдим.

— Ўн кун аввал битта даврада бирга эдик-ку, ўзи иш кўп пайти сен етмай тургандинг, — дея ўзидан нари қилмоқчи бўлади дўстим.

Феъли шунақа — ичидагини ташига чиқаришга шоямайди, атай совуққон кўришига ҳаракат қилади.

— Барибир одам соғинди-да. Аслида, ёрдамлашгани келгандим. Нима, кетайми?

— Энди ҳайдасаман кетмасан...

— Қулишдинг.

— Ишинг ҳам тўхтаб қолмасин, гурунглашайлик, сендан сўрайдиганларим бор. Мақола ёзаётгандим, сен ва сен қабилир ҳақида.

— Унга мақсадимни батафсил тушунтирдим.

— Билганингни қил, — деган жавобини эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. “Йўқ”, демасди-ку ҳарҳолда!

Кеча

Икки ўғил, икки қизни вояга етказишнинг ўзи бўлмаган. Айниқса, дўстим оила кўрган мустақилликнинг дастлабки йиллари — мамлакат иқтисодиёти энди оёққа туришига ҳаракат қилаётган давр, ақсарият аҳолининг турмуши танг аҳволда, қимматчилик, пулнинг баракаси йўқ кезлар. Биринкетин тугилган фарзандлар кўз очиб-юмгунча улағайиб, ташвиши ҳам қатталашиб қолди. Тўнғичи Сарвар, сўнг қизи Шаҳризода бир йил фарқ билан мактабни битирди. Кейингилари Элмурод билан Муштарий ҳам ака ва онасига ўхшаб, илмга чанқоқ, дарс ва китобдан бош кўтарай демасди.

Сарвар талаба бўлган 2012 йил августи ҳамон кўз олдимда. Дўстим шодлигидан қаршисидан чиққан одам борки, ўғлининг ўқишига кирганини айтиб, ёш боладек қувончига шерик қиларди.

— Тўнғичим ўқишга кирди, талаба бўлди, мени табрикла, — деб кўнгиноқ қилганида овозидан унинг ҳолатини тасаввур қилдим.

— Меҳнатларинг роҳатини, фарзандларинг қамолини кўргин, дўстим. Биламан, ўзинг олий маълумот ололмагансан, армонларингнинг зурриёдларинг орқали рўёбга чиқармоқчисан. Қувончингга шерикман.

Сентябрда ўқишлар бошлангани ҳамон дўстим уйим оstonасида кўрдинг, овози ҳазироқ:

— Контракт пулини тўлаш учун таълим кредити олмоқчи эдим, банклар “лимит

туган”, деб пайсалга солипти, аранг биттаси берадиган бўлди, аммо кимдир қафил бўлиши керак экан. Хаёлимга биринчи сен келдинг.

— Қанча олмоқчисан?

— Биласан, Сарвар Турин политехника университетига ўқишга кирган. Давлат курсида 5000 АҚШ доллари олишим керак.

Ўша пайтларги хоржий валютанинг қорабозор ва давлат курси амалда эди. Дўстим айтган сумма миллий пул бирлигимизда тахминан 12,5 миллион сўм дегани эди! Боз устига банкнинг фоизи ҳам юқори. Хуллас, қафилларнинг зиммамга олдим. Анча овор-рағирчиликдан кейин банк пулини таълим муассасасига ўтказиб берди. Бу “ҳамкорлигимиз” 4 йил давом этди. Дўстим қарни ойма-ой, бир соат ҳам кечиктирмай сабр билан узарди. Бу мушкулот ҳали ҳолва экан.

Сарвар 2-курсга ўтганида Шаҳризода, икки йилдан кейин Элмурод ҳам ўқишга кирди. Дўстим шу тариха 2015 йилда 3 фарзандига таълим кредити тўлади. Бирор марта фарзандларининг раъйига қарши гапирмади, қийинчиликдан нолимади. Дардини ичига ютди. Тўғри, бу пайтга келиб, катта фарзанди ўқишдан бўш пайти ота-онасининг оғирини бир оз бўлса-да енгиллатиш мақсадида иш топди, ҳаракат қилди — бир неча ой банк кредитини ёпишга озми-кўпми кўмаклашган бўлди. Лекин дўстим бир вақтда 3 талабани ўқитишни қандай эпларди, бу Яратганга аён.

2019 йили кенжа қизи Муштарий ўқишга ҳужжат топширганида катта ўғли ва қизи иш топиб, яхши мутахассис сифатида фаолият юритаётган, учинчи фарзанди эса охириги курсга ўқиётганди. Қолаверса, давр эпиклилари таълим олиш истагидаги ёшларга, айниқса, қизларга анча енгилчиликлар тақдим эта бошлаган, банклар ҳам халққа ён босиб, кредит беришда ортқича муаммо қилмай бошлаган даврлар эди.

— Отамга қанчалар қийин бўлганини аввалгига ҳис қилмаганман, — дейди Сарвар. — Таълим кредитини олиш учун банкда ишлайдиган таниш излаб, отам зир



лавозим ва маош тақлиф қилган. Бугун у яхши иш жойи ва даромадга эга.

Қизи Шаҳризода эса икки курсни шу ерда ўқигач, грант ютиб, қолган 2 йиллик таълимни Хитойда тугатиб қайтди. Айни пайтда қўшма қорхона иш юритувчиси. Акаси билан бирга Элмурод ва Муштарийнинг таълим кредитини тўлашда отасига қанот бўлди.

Дарвоқе, Элмурод моҳир дастурчи, Муштарий яхши таржимон бўлиб етишган. Ҳозир ишлари, бизнеслари бор. Тўрт фарзанд ота-она қўллови билан жамият учун манфаатли инсонлар бўлиб етишди.

Бугун

Жаҳон иқтисодиёти юқори суръатда ривожланипти, рақобат кучайиб, инновациялар ҳал қилувчи ўрин эгалламоқда. Бундай шароитда давлат ва жамият битта муҳим ҳақиқатни англади: энг катта ва энг даромадли инвестиция инсон капиталига, яъни таълим ва илм-фанга сарфланган сармоадир. Чунки моддий ресурслар чекланган,

Эртага

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномасида инсон капиталини ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сийосатининг энг устувор йўналишидан бири сифатида белгиланди. Айниқса, замонавий меҳнат бозори талабларига мос авлодни тарбиялаш масаласи Мурожаатноманинг асосий голларидан бири бўлди.

Бугун рақамли имкониятлар замони. Ҳозир рақамли технологиялар таълим соҳасида

Экотуризм

САЙРОБ ЧИНОРИ НЕЧА ЁШДА?

Сурхондарё вилоятининг хушманзара манзилларидан бири саналган Бойсун тумани Сайроб қишлоғида қарийб ўн асрлик тарихга эга икки тур чинор бор. Ўтган аср бошларида қўхна чинор ковагидан бир муддат аскарлар қароргоҳи, 1920 йилда қишлоқ кенгаши идораси, 1932-1934 йилларда кутубхона сифатида фойдаланилган. Кейинчалик дўкон, мактаб, чойхона, саргарошхона вазифасини ҳам бажарган.



Халқаро автомобиль йўли эса тубдан реконструкция қилиниб, қишлоқдан бир оз наридаги тоғ бағридан ўтказилди. Шу тариха йўл кенгайиб, замонавий қиёфага кирди. Дастлаб катта йўл Сайробни айланиб ўтгани учун сайёҳлар оқими камайгандай бўлди. Кейинги янгиликлар фониди янги Ўзбекистондаги ислохотлар аниқ режа асосида кечаётганига яна бир бор амин бўлдим. Яқинда узоқ тарихга эга Сайробга туризм қишлоғи мақоми берилди. Демак, қисқа фурсатда бу манзил Узундара тарихий маскани, ўн асрлик

чинорлар зилол булоқларга қизикадиган хоржийлик ва маҳаллий сайёҳлар билан яна гавжумлашади. Зеро, махсус дастурлар асосида бу ерда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун кенг қўламли ободонлаштириш ишлари бажарилиб, зарур инфратузилма шакллантирилади.

Сайробнинг туризм қишлоғи мақомини олишига, аввало, бобочинорлар сабаб бўлганини эътиборга оласак, улар билан боғлиқ бир муҳим масалага ойдинлик киритиш, кичик жузъий эътиборсизликни бартараф этиш лозимга ўхшайди. Сайроб чинорларининг аниқ ёши ҳақида айтиш керак. Юқорида бежиз бундан роппа-росса олтиш йил аввал кўрганим — катта чинор пештоқиди лавҳани эсламадим. Ушанда ҳам лавҳада чинорнинг ёши 950 йил деб кўрсатилган эди. Бу шунчаки, тавakkал қўйилган рақам эмасди. Одатда дарактарларнинг ёши икки усулда, танасининг диаметри ва ундаги ички халқалар сонига қараб ҳисобланади. Сайробдаги бош чинорнинг ички ўзгаи неча асрлар аввал емирилиб кетгани боис, бундан

камида 70-80 йил муқаддам мутахассислар тана диаметридан келиб чиқиб, унга 950 ёш берган бўлиши керак. Бироқ бу камда 70-80 йил аввалги ҳулоса. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, Сайроб чинори ҳақидаги умумий маълумотларда унинг ёши ҳамон 950 йил деб кўрсатилган. Ушбу рақамга чинор ёши ҳисобланган олис йиллардан кейинги вақтини қўшиб ҳисоблаш зарур. Шунга кўра, чинорнинг ёши аллақачон ўн асрлик чегарадан ўтиб кетган. Шу боис, мутахассислар олдида Сайроб чинорлари ёшига аниқлик киритиш вазифаси бор.

Албатта, бу шахсий фикрим ва тақлифим.

Назаримда, мутахассислар бундан икки ярим минг йил муқаддам пойида Узундарадек қадимий қалъа-истеҳком барпо этилган Сайроб қишлоғи Буюк ипак йўли устидаги энг қадимий аҳоли манзилларидан бири эканидан келиб чиқиб, бу ердаги бобочинорларнинг ёшига ҳам аниқлик киритиб берсалар ёмон бўлмасди. Зеро, бу келгусида Сайроб чинорларини дунёнинг энг қадимий нодир даракталари сифатида эътироф этилиш ва муҳофазаси учун ҳам муҳимдир.

Даврон ОРИПОВ, фахрий журналист

